

ИШИД (“ИРОҚ ВА ШОМ ИСЛОМ ДАВЛАТИ”) ТАЪСИРИГА ТУШГАН АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ДЕРАДИКАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ

ЗАДАЧИ РЕАБИЛИТАЦИИ И ДЕРАДИКАЛИЗАЦИИ ЖЕНЩИН И ДЕТЕЙ, ПОПАВШИХ ПОД ВЛИЯНИЕ ИГИЛ (“ИСЛАМСКОЕ ГОСУДАРСТВО ИРАК И ЛЕВАНТА”)

TASKS OF REHABILITATION AND DERADICALIZATION OF WOMEN AND CHILDREN AFFECTED BY ISIL (“ISLAMIC STATE OF IRAQ AND THE LEVANT”)

UTKIR T. SOBIROV

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN

Independent researcher,
MUSLIMS BOARD OF UZBEKISTAN
Chief specialist

11, Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
e-mail: sobirov.utkirbek@inbox.ru

DOI: 10.47980/PAU/2022/4/6

Аннотация: Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида ислом дини аҳкомларини нотўғри талқин қилиш, уларни сохталаштириш йўли билан турли фитна ва бузгунчиликлар содир этиш ҳолатлари кузатилаётгани барчамизни таъвизига солади. Бундай вазиятда ислом динининг софлигини сақлаш, унинг тинчлик ва инсонпарварликдан иборат асл моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга тўғри, ҳолис етказишга қодир, юқори даражада илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда “жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш”нинг таъсирчан чораларини кўриш долзарб масалага айланди.

Юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш, улуғ аллома аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, илм-маърифатли, интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Барча соҳалар каби диний соҳада ҳам кўплай ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислом дини бой илмий-маънавий мероси, аждодларимиз қолдириб кетган бебаҳо асарларни ўрганиш, миллий анъаналаримизни қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор қаратила бошланди ва диннинг арконларини

эмин-эркин бажариш учун барча шароитлар яратилди. Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда.

Аммо шундай шароитлар яратилган бир даврда, айрим ҳамюртларимиз баъзи исломга ёт гуруҳ тарафдорларининг гиразли таъсирига берилиб, “Ислом давлати”ни қуриш, “кофирларга қарши жанг қилиш”, гўё мазлум бўлиб қолган мусулмонларга “ёрдам бериш” каби замонавий жамиятдаги мусулмон оламига зид бўлган гайриисломий интилишлар билан “ҳижрат”, “жиҳод” қиламан деб, тинч-тотув яшаб турган жамиятларда содир этилаётган кўпуровчилик ҳаракатларида билиб-билмай ёки алданиб иштирокчига айланиб қолмоқда. Бузгунчи кучларнинг “қўғирчоғига” айланиб, Ватанига, ўз ота-онаси, ака-укаси ва яқинларига қарши чиқмоқда. Натижада ноҳақ қон тўкилиши, ўзлари эса ҳалок бўлиши, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиши ва турли давлатларда қочқин ёки хору-зорликда нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларнинг бугунги кундаги асосий кўринишлари “Ироқ ва Шом Ислом давлати” (ИШИД) каби тоифалар фаолиятида яққол сезилади. Халқимизни хусусан, ёшлар ва аёлларни бундай радикал гуруҳлар ва уларнинг гиразли гоялардан ҳимоя қилиш, салбий таъсирига қарши ижтимоий-психологик иммунитет ҳосил қилиш, оқим тарафдорларининг даъволарини ҳақиқатдан йироқлигини илмий далил ва манбалар асосида ёритиш, норасмий жамоаларнинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан социал-психологик таҳлилга эҳтиёж сезилмоқда.

Мазкур мақолада Яқин Шарқ ва Афғонистоннинг жанговар ҳудудларидан “Меҳр” операцияси доирасида қайтарилган аёллар ва болаларни реабилитация ва дерадикализация қилиш йўллари, уларни ижтимоий-маънавий муҳитга мослаштириш вазифалари, ИШИД (“Ироқ ва Шом Ислом давлати”) террористик ташиқлотининг аёлларга нисбатан турли услублар орқали психологик таъсир ўтказиш босқичларининг таҳлили баён қилинган.

Таянч сўзлар: “Меҳр” операцияси, Сурия, ИШИД, “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳидлик”, радикализм, мутаассиблик, ташиқ таъсир, бўйсунувчанлик, чидамсизлик, иродасизлик, алдов, стресс, депрессия, ижтимоий-психологик омил, реабилитация ва дерадикализация.

Аннотация: Сегодня, в эпоху стремительно меняющейся глобализации, все мы обеспокоены тем, что на основе искажения столпов ислама и их фальсификации осуществляются различные подрывные действия и провокации. В такой ситуации актуальным вопросом становится сохранение сущности исламской религии, подготовка специалистов с высоким научным и религиозным потенциалом, способных донести до населения, особенно до молодежи, истинную суть

ислама, его миролюбие и гуманность, а также принять эффективные меры по “борьбе с невежеством с помощью просвещения”.

В нашей стране приоритетным направлением политики государства считается развитие наших национальных традиций и ценностей, глубокое изучение научного наследия наших великих ученых, воспитание просвещенной и интеллектуальной, патриотичной молодежи. В связи с этим у нас проводятся реформы во всех жизненно важных сферах, в том числе и в религиозной сфере. Особое внимание уделено богатому научному и духовному наследию ученых, изучению бесценных трудов, оставленных нашими предками, восстановлению наших национальных традиций. В нашей стране созданы все условия для безопасного и свободного осуществления столпов ислама. Проводимые в этой сфере реформы признаются целесообразными в мировом масштабе и оцениваются как образцовая модель религиозной толерантности.

Однако в то время, когда были созданы все условия для свободного исповедания своей религии, некоторые наши соотечественники попав под влияние сторонников некоторых неисламских группировок, совершали неисламские деяния, противоречащие мусульманскому миру в современном обществе. В качестве примера можно привести построение “Исламского государства”, “борьбу с неверными”, “помощь” угнетенным мусульманам. Будучи обманутыми, стремясь к “хиджре” и “джихаду”, они становятся участниками подрывных действий, которые проводятся в мирных обществах. Став “марионеткой” деструктивных сил, они противостоят своей Родине, своим родителям, братьям и родственникам. В результате они становятся причиной несправедливого кровопролития, собственной смерти, длительных тюремных сроков, становятся беженцами или изгнанниками в разных странах.

Основные проявления подобных действий сегодня отчетливо наблюдаются в деятельности таких группировок, как “Исламское государство Ирака и Леванта” (ИГИЛ). Защитить наш народ, особенно молодежь и женщин, от таких радикальных групп и их вредоносных идей, создать социально-психологический иммунитет против их негативного воздействия, пролить свет на лживость утверждений сторонников движения, основываясь на научных доказательствах и источниках, а также устранить причины и условия, допускающие возникновение неформальных сообществ являются особенно актуальными.

С этой точки зрения представленная статья, наряду со своим значением в борьбе с невежеством с просвещением, несомненно, послужит источником сведений для представителей религиозно-просветительской сферы.

В данной статье рассмотрены методы реабилитации и дерадикализации женщин и детей, вернувшихся из зон боевых действий на Ближнем Востоке и Афганистане в рамках операции “Мехр”,

задачи их адаптации в социально-духовной среде, анализ этапов психологического воздействия на женщин террористической организации ИГИЛ (“Исламское государство Ирака и Леванта”).

Ключевые слова: Операция “Мехр”, Сирия, ИГИЛ, “хиджра”, “джихад”, “мученичество”, радикализм, фанатизм, внешнее влияние, подчинение, нетерпение, безволие, обман, стресс, депрессия, социально-психологический фактор, реабилитация и дерадикализация.

Annotation: Today, in the era of globalization, which is rapidly changing, we are all concerned that various conspiracies and mischiefs are being observed by misinterpreting the rules of Islam and falsifying them. In addition, it encourages awareness and vigilance. In such a situation, it has become an urgent issue to preserve the purity of the Islamic religion, to prepare specialists with high scientific and religious potential who are able to convey its true essence of peace and humanity concepts of Islam to the population, especially to the youth, and to find effective measures to “fight against ignorance with enlightenment”.

In our country, the development of our national traditions and values, the in-depth study of the scientific heritage of our great scholar ancestors, and the education of our youth to be a generation of love for the Motherland, knowledge, and intellectual maturity are considered as the priority directions of the state policy. As in all spheres, many reforms are being carried out in the religious sphere. Special attention was paid to the rich scientific and spiritual heritage of Islam, to the study of the priceless works left by our ancestors, to the restoration of our national traditions, and all conditions were created for the safe fulfillment of the religion’s rules. The reforms being carried out in this area are well recognized at the world level and are considered as an exemplary model of religious tolerance.

However, at a time when such conditions were created, some of our compatriots were influenced by the supporters of some non-Islamic groups and did anti-Islamic things that are contrary to the Muslim world in modern society, such as building an “Islamic state”, “fighting against infidels”, and “helping” oppressed Muslims with the aspirations of “emigration” and “jihad”, unknowingly or being deceived, they become a participant in the subversive actions that are being carried out in peaceful societies. Becoming a “puppet” of destructive forces, some are turning against their country, their parents, brothers and relatives. As a result, they are causing unjust bloodshed, their own deaths, long-term imprisonment, and refugees or exiles in various countries.

The main manifestations of such actions today are clearly felt in the activities of groups such as the “Islamic State of Iraq and the Levant” (ISIL). To protect our people, especially young people and women, from such radical groups and their malicious ideas, to create socio-psychological immunity against their negative effects, to shed light on the untruthfulness of the claims of supporters of the movement based on scientific evidence and sources, to eliminate the

causes and conditions that allow the emergence of informal communities the need for socio-psychological analysis is felt.

From this point of view, the presented article, along with its importance in the fight against ignorance with enlightenment, will undoubtedly serve as a support for the representatives of the field studying and working in the religious-educational direction.

In this article, the methods of rehabilitation and deradicalization of women and children returned from the war zones of the Middle East and Afghanistan as part of the "Mehr" operation, the tasks of adapting them to the social and spiritual environment, the psychological influence of the terrorist organization ISIL (Islamic State of Iraq and the Levant) on women through various methods the analysis of transfer steps is described.

Keywords: Operation "Mehr", Syria, ISIL, "hijrah", "jihad", "martyrdom", radicalism, fanaticism, external influence, submission, impatience, lack of will, deceit, stress, depression, socio-psychological factor, rehabilitation and deradicalization.

КИРИШ

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат самараси ўлароқ, нафақат юртимизда истиқомат қилаётган, балки ўзга юртларда мураккаб аҳволга тушиб қолган Ўзбекистон фуқароларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг манфаати, шаъни, кадр-қиммати ҳимоя қилинмоқда.

Бундай ғамхўрликдан ёт ғоялар таъсирига тушиб хорижга чиқиб кетган, бегона мамлакатда турмуш ўртоғи ёки ота-онасидан айрилиб қолган ватнадошларимиз ҳам четда қолгани йўқ. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан "Меҳр" операциялари беш босқичда муваффақиятли амалга оширилди.

"Меҳр" операциялари фақат уруш ҳудудидан фуқароларимизни қайтариб олиб келиш эмас, балки уларни жамиятга мослашувини ҳам назарда тутувчи махсус дастурларга эга.

Ҳаёт сўқмоқларида алданиб адашган баъзи аёлларни кўпчилик қоралайди, албатта. Бироқ инсон борки, хато қилади. Айниқса, эри, ака-укасининг қистови билан юртдан чиқиб кетган аёллар, уларнинг болалари аслида айбсиз айбдорлардир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари топшириғига кўра ва бевосита назорати остида хорижий юртларда қийин шароитга тушиб қолган шундай ватандошларимизга кўмак бериш, уларни мамлакатимизга қайтариш бўйича "Меҳр" инсонпарварлик операцияси амалга ошириб келинмоқда.

"Юртимизда кечиримлилик, афв этиш, адашган кишиларнинг тўғри йўлга тушиб кетишига имкон беришдек азгу амаллар мунтазамлик касб этган. Халқимиздан, давлатимиз раҳбаридан кечирим сўраб, ёрдам сўраган бу аёллар нотўғри даъватларга учиб, хорижга чиқиб кетган турмуш ўртоқларининг хатоси қурбони бўлган. Бу ҳолатдан бошқалар, айниқса, ёшлар сабоқ олиши керак. Чунки шу кунларда ҳам сохта даъволарга алданиб, гўёки хижрат қилиш учун Сурияга кетмоқчи бўлаётганлар топилади. Айнан шулар бундай қилмишнинг оқибати нима бўлишини мана бу тирик етимлар мисолида англаши зарур" (Ishmatbekov, N. 2021:1).

Халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг бу тажрибасини самарали деб баҳолаб, уни минтақа ва дунё мамлакатларга тадбиқ этишга лойик, деб топди.

БМТ экспертларига кўра, Ўзбекистон ўз фуқароларини ҳарбий можаролар зонасидан олиб чиқиш билан шуғулланадиган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири сифатида эътироф этади. Республика тажрибаси кўплаб бошқа мамлакатлар учун яхши ўрнак намунаси эканлиги БМТ вакиллари баёнотида таъкидланади.

УСЛУБЛАР

Маълумотларига кўра, Суриядаги "ал-Ҳол" ва "ал-Рож" лагерларида 60 мингдан ортиқ маҳаллий террорчилар ва чет эллик жангарилар, шунингдек 10 мингдан ортиқ аёллар ва болалар (уларнинг аксарияти 12 ёшгача) бор. Аёллар ва болалар турли сабабларга кўра, террорчилар ёнида бўлиб қолишган, уларга турмушга чиқиб, фарзандларни дунёга келтиришган".

"Аёллар Сурияга турли сабаблар, жумладан, иш қидириб, севиб қолганлари туфайли, айримлари эса оилаларини сақлаб қолиш учун боришган. Кўп аёлларнинг турмуш ўртоқлари у ерда ҳалок бўлган. Ораларида Сурияда ҳомиладор бўлганлар ва турли инфекцион касалликлар ёки жароҳатлар сабабли ҳаётдан кўз юмганлар ҳам бор. Баъзи аёллар уч, тўрт нафар боласи билан уй-жойсиз ёки озиқ-овқатсиз ўта оғир шароитда қолиб кетган. Улар бориб қолган ерда ўзлари ва болалари учун на эркинлик, на иш жойи ёки қулай яшаш шароити бўлган. Биз бошқа ўзбек аёлларининг бундай ҳолатга тушишларини ёки ёлғон ва жангари гуруҳларга ёлловчилар қурбонига айланишини истамаймиз. Олиб келинган болаларни жамиятга қайта мослаштириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши зарур. Улардаги ишончни тиклаш учун вақт, сабр ва меҳр талаб этилади" (Norboeva, T. 2019:1).

Умуман олганда, Ўзбекистон террористик ташкилотлар қаторига қўшилиб қолган фуқароларини мамлакатга қайтариш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Асосий эътибор биринчи навбатда аёллар ва болаларга қаратилган.

“Радикаллашувни ва сиёсий зўравонликни ўрганиш бўйича Лондон халқаро (ICSR) маркази маълумотларига қараганда, 2013 йил апрелдан 2018 йил июнгача бўлган давр учун “Ироқ ва Шом Ислом давлати” (ИШИД) сафига 41 минг 490 хорижлик муҳожирлар бориб қўшилган. Улардан 13% аёллар ва 12% вояга етмаган болалар бўлган” (Кайпачёв О., 2019:23).

Сиёсий таҳлилчи У.Асатуллаевнинг фикрича, “Сурия ёхуд Курд кучлари назоратидаги камокхоналарда қолаётган ўзбекистонлик эркакларда ватанга қайтиш имкони бор. Уларнинг айримлари бирор жазосиз Ўзбекистонга қайта олишлари учун махсус комиссия уларнинг ишларни кўриб чиқишни бошлаган.

“Агар улар қилмишларига чин дилдан иқдор бўлиб, тергов билан ҳамкорлик қилсалар, жазодан қутулиб қолишлари мумкин. Шу тарика ҳукумат келажакда уларнинг радикаллашувини олдини олишда умид қилмоқда. Жанговар ҳаракатлар ёки террорчилик амалиётларида бевосита иштирок этганлар эса амнистияга тушмайди, бироқ улар ўз ватанларида адолатли суд қилинишга ҳақли бўладилар”.

Хорижий ОАВлар Ўзбекистоннинг Сурия ва Ироқ армиялари билан тўқнашувларда асирга тушган бошқа фуқаролари ҳақида ҳам хабар бермоқда. Ўзбекистонлик мустақил таҳлилчи Ф.Мирзобоевнинг фикрича, давлат ушбу фуқароларни ҳам экстрадиция қилиш бўйича тегишли мамлакатларнинг ҳукуматлари билан музокаралар ўтказиши керак.

“Бу мамлакатларда ишга лаёқатли ҳокимият органлари бор, улар билан фуқароларимизни ўз ватанида жазони ўташлари учун бизга беришларини сўраб музокара ўтказиш лозим. Ушбу фуқаролар бебаҳо маълумот манбаига айланиши мумкин. Улар террористик ташкилотлар қаторида бўлган ўзбекистонликлар, қўшни Афғонистонга кўчишлар, мамлакат ичкарасидаги вақтинча нофаол бўлган ячейкалар, шунингдек одам ёллаш каналлари ҳақида маълумот ва бошқа қўплаб ахборотларни тақдим этишлари мумкин. Ўшанда бу борадаги сиёсий самарадорлик бир неча баробар ошади”.

Экспертнинг фикрига кўра, Туркия ва Россиядаги мигрантлар билан боғлиқ вазиятни мониторинг қилиш, мамлакат масжидларида ва телевидениеда

диний-маърифий кўрсатувлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳам ўз натижасини бериши мумкин.

“Фуқароларимиз иш излаб хорижга кетмаслиги ва уерда ёлловчиларнинг тузоғига тушиб қолмаслиги учун Ўзбекистоннинг ўзида иш ўринлари яратиш керак” (Mirzaboev, F. 2019:2)., – дея таъкидлайди.

“Бу инсонпарварлик ва терроризмнинг олдини олиш муаммоси бўлиб, унинг ечими учун БМТга аъзо давлат жавоб беради, шу жумладан ўз фуқаролари олдида ҳам. Шу нуқтаи назардан, масъулият бу - одамларни ўз Ватанига қайтариш, уларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта мослаштириш ташкил этиш демакдир”.

Биз ўз фуқароларимиз ва уларнинг фарзандларига ватанга қайтиш ҳамда ижтимоий-психологик ва диний-маърифий реабилитация ва дерадикализациядан ўтиш учун имкон яратиб беришимиз керак.

Уриш ўчоқларидан қайтган шахслар билан олиб бориладиган реабилитация ва дерадикализациянинг мақсадларидан бири – бу уларнинг радикаллашганлик даражасини баҳолаш, келажакда бу ғоялар тарқалиши мумкинлиги боис, уларнинг жамият учун қанчалик хавфли эканлигини аниқлаш ва унга қарши тезкор ва таъсирчан чораларни кўришдир.

Масалан, араб тилини билган ва ИШИД таълимини олган, эҳтимол жангариларга дарс берган одам эркин ҳаракатланиш имконига эга бўлса, у ўз радикал ғояларини жамоатчилик орасида тарқатиши хавфи пайдо бўлади. Суриядан қайтарилган фуқаролар орасида жиддий даражада радикаллашган шахсларни алоҳида реабилитация ва дерадикализация ишларини олиб борилиши лозим.

НАТИЖАЛАР

Реабилитация ва дерадикализация қилиш жараёнига жалб этилган мутахассислардан жанговар ҳаракатлар ҳудудидан қайтган аёллар ва болалар узоқ вақт стресс ҳолатида бўлгани боис, уларни ижтимоий табиий муҳитга мослаштиришда қуйдагиларга эътибор қаратиши талаб этилади:

✓ уларга жисмоний дам бериш (камида 3 кун). Янги муҳитга ижтимоий-руҳий адаптация ҳосил қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш (узоқ йўл, хавотирга тўла ҳаёл, умуман бошқа янги муҳит). Шундан сўнггина эътиборни мослаштириш жараёнига қаратиш;

✓ биринчи навбатда тибби ва психологик ёрдам кўрсатиш;

✓ мослаштириш жараёнида этник хусусиятларини инобатга олиш;

✓ уларни дастлаб ортиқча саволлар ва мурожаатлар билан толиқтиришдан четланиш;

✓ бир шароитдан иккинчи шароитга мослаштиришда, индивидуал (якка тартибда) ишни ташкил этиш. Чунки бир кишига қилинган муносабат иккинчи бир шахсга мос келмаслиги мумкин;

✓ мослаштириш жараёнида биринчи навбатда болаларга эътибор қаратиш. Улар учун алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозим. Зарурий ўқув қуроллари, ривожлантирувчи машқлар туркумини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ;

✓ конфиденциаллик – сир сақлаш. Реабилитация ва дерадикализация қилиш жараёнида барча ахборотларни фақат шу ишга жалб этилган гуруҳ аъзолари билиши керак. Реабилитация қилинаётганларнинг розилигисиз уларнинг муаммолари бирор-бир йиғилиш ёки суҳбатларда, қариндош уруғлари ёки бошқа одамлар билан муҳокама этилмайди;

✓ реабилитация қилинаётган хотин-қизларга нисбатан ҳурмат. Мурожаат этган аёл қандай ҳолатга бўлса худди шундай қабул этилади. Қандай муаммо билан мурожаат этса, жалб этилган мутахассис уни муҳокама этиш ёки ҳаракатини ўзгартиришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас;

✓ шахсий ҳаётига аралашмаслик. Мазкур ишга жалб этилган гуруҳ аъзолари реабилитация қилинаётган хотин-қизлар сўраган ёрдамни белгиланган тартибда ташкил этиб беради. Ўз-ўзидан аёлни шахсий ҳаётига аралашмайди, унинг таклиф этилмаган соҳаларига киришдан сақланади;

✓ ижобийлик принципи. Реабилитация ишларига жалб этилган мутахассислар реабилитация қилинаётган хотин-қизларга ўз муаммоларини ўзи ечишга қодир эканлигига ишонириш;

✓ атрофдагилар билан соғлом муносабатни шакллантириш. Реабилитация қилинаётган хотин-қизларининг индивидуал, оилавий ва ижтимоий ҳаётини қадриятларга мос равишда бойитишига ҳаракат қилиш;

✓ реабилитация ва дерадикализация қилиш жараёни учун нормал шароит бузилганда, ҳар қандай муносабатни тўхтатиш;

✓ вазиятни тўғри баҳолай олишлик. Реабилитация ва дерадикализация қилиш жараёнига мутахассис сифатида жалб этилган гуруҳ аъзолари ўз имконияти ва билимлари чегараланганда бошқа ҳамкасбларнинг ёрдамларидан фойдаланишлик, ўз маслаҳатчилик даражасидан шахсий устунлик ёки касбий маҳоратни намоий этиш учун фойдаланмаслик, бошқа маслаҳатчиларни қўллаб-

қувватлашлик, ўзи ва бошқа маслаҳатчиларнинг анонимлигини сақлашлик принципларига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

МУҲОКАМА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, реабилитация ва дерадикализация ишларини самарали ташкил этишда қуйдаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Мамлакат тажрибасини улашиш мақсадида террорга қарши кураш бўйича ўзбек модели ҳақида муносиб сиёсий тавсиялар жамланган китоб ёки брошюра шаклида қўлланма чоп этиш;

2. Меҳр операциялари доирасида қайтарилган юртдошларимизга нисбатан кечиримли бўлиш, айниқса “Ислом давлати” (ИШИД) жангариларининг фарзандларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш;

3. Суриядан қайтган, радикал ҳаракатлар аъзолари бўлган маҳбуслар, собиқ жангарилар уланинг турмуш ўртоқлари ва фарзандлари билан диний-маърифий ва реабилитация ишларини олиб боровчи мутахассислар учун ўқув марказ ёки режа асосида ўқув курслар фаолиятини йўлга қўйиш (Марказдаги ўқув курсларига қатновчилар 2 ҳафта ёки 72 соат давомида экстремизм ёки шунга оид жиноятда айбланган маҳбусларга жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга ёрдам бериш усуллариини ўрганадилар. Курслардан бири радикал қарашдаги фуқароларда дунёвий давлат асосларига нисбатан бағрикенгликни шакллантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади).

ТАҲЛИЛ

Мутахассисларнинг фикрича, диний мутаассиб (радикал) ғоялар сингдирилган аёллар билан ишлаш усуллари эркаклар билан ишлашдан фарқ қилади. Аёллар билан ишлаш осонроқ. Аёллар ва эркакларнинг ИШИД борасидаги тажрибаси турлича, улар гўзал эртакларга ишониб Сурияга борганлар ва у ердаги барча негатив ҳолатларга гувоҳ бўлганлар.

Аёлларнинг идроки таъсирчан, кучли хафагарчилик, оғриқ ёки тушқунлик каби салбий руҳий таъсирлар натижасида уларнинг дунёқараши торайиб, “туннель қараш” пайдо бўлади. Бундай шароитларда аёллар танқидий фикрлашдан тўхтайдилар ва “қалб овчилари” деб аталувчи радикал даъватчилар таъсирига тушиб қоладилар.

Шу билан бирга, аёллар интернетда ҳам фаол бўлишади, у ерда эса, террорчи гуруҳлар

ва экстремистик ташкилотлар томонидан бошқариладиган “тузоқ сайтлар” ва ижтимоий тармоқлар саҳифалари мавжуд бўлиб, бу сайтларда аёлларга “оловли нуқталарга” кетиб, у ерда “муҳоҳидларнинг аёлларига” айланиш тарғиб қилинади. Бундай аёллар билан ишлаш уларнинг ихтиёрий иштироки ва ўз-ўзига ёрдамга асосланади, яъни мажбурий реабилитация йўқ. Ҳамма ҳар хил, шу боис қўлланадиган усуллар ҳам индивидуаллаштирилган бўлади. Инсон онги билан ишлашнинг ягона стандарти мавжуд эмас. Илм-фан ёхуд амалиётда текшириб кўрилган нарсаларнинг бари фақат тавсия сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мутахассиснинг профессионал кўрсаткичлари, билими, маҳорати, бардоши ва журъатига боғлиқ. Бундан ташқари, бу йўналишдаги ишлар тизимли ва давомли олиб борилиши, шунингдек, реабилитация жараёнининг махфийлиги таъминланиши керак.

Таҳлилчиларнинг фикрича, аёллар жангарилар сафига қўшилиш учун ўз оилаларини ташлаб кетишга тайёр бўлса, бу уларнинг диний мутаассиб (радикал) мафкура билан жиддий зарарлангани ва “халифалик” ёки шу каби сохта тасаввурлардан таъсирланганини англатади. Бу ҳолатга эътиборсиз бўлмаслик керак, сабаби бу мафкура зарарли вирус каби тарқалишда давом этиши мумкин. Бу аёллар радикал қарашдаги фуқаролар учун шаҳидларнинг аёли сифатида қабул қилиниши ва уларга уйланиш шараф деб ҳисобланиши мумкин. Мазкур ҳолат бундай аёлларнинг қайта радикаллашуви билан бир қаторда, ушбу ғояларнинг тарқалишда давом этиши нуқтаи назаридан хавфлидир.

Ватанига қайтарилган аёлларнинг айрим радикал қарашлар билан қайтганини инobatга олиб, ижтимоий реабилитация ва дерадикализация ишларини уч йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Биринчиси, бу – аёлларнинг ўзини рўёбга чиқариши, яъни улар қандай қилиб ёлловчилар тўрига илингани, радикал фалсафадан нималарни излагани, нега умидлари пучга чиққани, бундан буёғига қандай ҳаракат сценарийсини танлаши, янги хулқ-атвор моделини ишлаб чиқишга кўмаклашиш ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиш. Якуний мақсад – янги хулқ-атвор моделини ишлаб чиқиш ва ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни шакллантириш.

Иккинчи йўналиш – уларга Ўзбекистонда кенг тарқалган Ҳанафий мазҳаби асосида анъанавий Ислом таълимини бериш.

Учинчиси – ижтимоий мослашув, касб-хунар ва ҳаётий кўникмаларни ўргатиш.

Бу аёллар давлат уларни тўлиқ таъминлаши шарт деган ишонч билан бировнинг қўлига қараб қолмасликлари зарур. Улар ўзлари ва фарзандларини боқишлари керак. Бу ишни қандай қиладилар? Касб-хунар ўрганиб, иш топиш орқали шакллантирилади.

Уруш ҳудудларидан қайтган аёллар ва болаларни реабилитация қилиш устида ишланаётган бўлсада, баъзиларининг радикал гуруҳларга қайта жалб қилиниши, ёки гуруҳ таъсирида қолиши хавфи сақланиб қолиши мумкин. Ушбу хавфни бартараф этиш учун улар билан мунтазам ишлайдиган диний-психологик салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Бу аёллар ва болалар Ўзбекистонга келганлари заҳоти тинч ва оддий ҳаётга қайтишлари мамлакат учун жуда муҳим. Ижтимоий муаммолар ва чуқур руҳий жароҳатларни бартараф этиш учун етук амалиётчи психологлар, дин психологлари, исломшунослар, етакчи имом-хатиблар, ижтимоий хизмат ходимлари ва ҳукумат идораларининг мувофиқлашган ҳаракати талаб этилади.

Болаларни реабилитация қилиш катталарни дерадикализация қилишдан фарқланади, болалар мураккаб илоҳиёт терминологиясига муҳтож эмас, улардаги эмоционал жароҳатларни даволаш учун бахтли болаликни таъминлашнинг ўзи кифоя. Катталарда эса, биров мураккаброқ, агар улар экстремистик мафкура таъсирига тушиб қолган бўлса, уларни тўғри йўлга қайтариш учун жиддий равишда диний-маърифий профилактик ишларини олиб бориш зарур бўлади.

Баъзи аёллар террорчилик ҳаракатини амалга оширгунига қадар унга ғайриисломий ғоя ва таъйиқлар сингдирилган бўлиши мумкин, кейин ўша ҳолатдан чиқиш учун кучли психологик ёрдамга муҳтожлик сезади, бироқ 10 ёшгача бўлган бола бу мафкура таъсирига тушмаган бўлади. Болалар қандайдир ноқонуний хатти-ҳаракат қилсалар ҳам, улар буни онгсиз равишда, кимнингдир буйруғи билан содир этадилар.

“Қайноқ” ҳудудларда олинган видеолавҳаларда қурол ушлаб тургани кўрсатилган болаларни кўришимиз мумкин. Улар ўз ихтиёрлари билан қўлларига қурол олишмаган. Бунда улар ота-оналаридан ўрнатилган, уларнинг кўрсатмасига биноан иш тутаётган ёки радикал гуруҳ таъсирида бўладилар. Шунинг билан лозимки, тавба қилиб, йўлдан адашганликларини тан олган ота-оналар ўз фарзандларини реабилитация ва дерадикализация қилишда муҳим роль ўйнайдилар.

Шу ўринда реабилитация атамасига изох бериб ўтсак. “Реабилитация – бу бола шахсининг ҳукуки, ижтимоий-ҳукукий нуфузи, соғлиги, ўқишга лаёқатлилигини тиклашга қаратилган комплекс, кўп даражали, босқичли ва динамик тизим. У профилактика ва коррекция сингари аспектларни ўз ичига олади. Профилактика – бу реабилитация тизимидаги шахсининг ривожланишидаги у ёки бу чекинишларни йўқотишга шарт-шароитлар яратишга қаратилган тадбирлардир. У кўпроқ ижтимоий муҳит билан боғлиқдир” (Abdullaeva Sh.A., 2010:157).

Реабилитация жараёнида бевосита иштирок этган мутахассисларнинг фикрича, “Суриядан келган аёллар посттравматик стресс ҳолатида бўлган. Айримлари тушкунликда, тинмай йиғлаган. Уларда ўта юқори даражадаги безовталиқ бўлган. Аёлларнинг эртанги кунга ишончи сўниб, ҳамма нарсадан қўрқадиган бўлиб қолишган. Сурияда улар таъкиб қилинган ва қўрқув остида бўлган. Қайтиб келишганидан сўнг бир оз вақт ўтгач, болаларнинг кўзларида қувонч аломатлари сезилган. Улар қайтганларидан ва умуман бошқа шароитда эканликларидан бахтиёр бўлиб, баъзи болалар ҳаётларида биринчи марта ўйинчоқ деган нарсани кўришган”.

Аксарият болалар яшаш шароитлари оғир бўлгани ва она ҳомиладорлик вақтида асабийлашгани туфайли сурункали касалга чалинганини шифокорлар тасдиқланган.

Шу билан бирга, болаларнинг кўпчилиги на ўқий олади, на ёза олади, рангларни фарқлай билмайди ва руҳий ривожланишида кечикиш бор.

Реабилитация жараёнини бошлаш олдидан болаларга ўзбек тилини қайта ўрганишларига ёрдамлашиш зарур, сабаби улар Яқин Шарқда яшаб тилни унутган бўлишлари мумкин. Мақсад, уларни ўзбек жамиятига қайта интеграция қилиш. Яъни, болалар оддий мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларга бориб, у ерда жамиятга мослашишлари ва ўзларини жамиятдан ажралгандек ҳис қилмасликлари лозим. Болаларнинг имкон қадар тезроқ жамиятга қайта мослашувини таъминлаш, уларга оддий болалик ва нормал ҳаётни қайтариб бериш керак. Улар тўсиқларга дуч келмаслиги ва одамлардан ажралиб қолмаслиги учун бу жараёни жуда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш лозим бўлади.

Болаларнинг фикрлашини ўзгартириш бироз енгилроқ, тинч ҳаётга қайтганларидан сўнг, улар худди бошқа болалар каби ўсиб-унадилар. Болалик даврида кўрган машаққатларига ҳамда келажақда

“террорчиларнинг фарзандлари” деган тамға босилиши мумкинлигига қарамай, улар оддий ҳаётга қайтишлари ҳамда мутаассиблик (радикаллик) таъсирига берилмай, балки ҳурматга лойиқ фуқаро бўлиб улғайишлари мумкин.

Бошларидан кечирганларини ҳисобга олиб, улар билан нафақат реабилитация, балки дерадикализация тадбирларини ўтказиш ҳам зарур. Бу жуда муҳим кадам, сабаби улар ўлдириш, қуролли “жиход” қилиш каби фикрлар таъсирида бўлишган. Ўғил болаларга қизларни ҳақорат қилиш ва ғайриисломий радикал қарашлар мажбуран сингдирилган.

Биламизки, болалар билан ишлаш жуда нозик масала бўлиб, уни назоратсиз қолдириб бўлмайди, болалар ва ўсмирлар ўз ҳуқуқлари ҳимоясига бошқалардан кўра муҳтожроқ бўлади. Ҳаётини тажриба ва билимнинг камлиги, танқидий фикрлаш қобилиятининг йўқлиги сабаб, улар ҳар қандай бошқариш усуллари ва ахборот таъсирига нисбатан заифдирлар. Мутаассиб (радикал) гуруҳ тарафдорлари ёшлар онги ва қалбини егаллаш учун курашади, уларнинг мақсади издошлар йиғишдир. Эҳтимол, катта ёшдагиларни қайта тарбиялашдан кўра улар учун ёш ўспиринлар орасидан бундай издошларни тайёрлаш осонроқдир.

Шудай экан махсус тайёргарликдан ўтган психолог (дин психологи) мутаассисларнинг болалар билан қизиқарли суҳбат ўтказиши ҳамда оддий болалик қувончларига тўла тинч ҳаётга қайтиш дерадикализациянинг энг самарали усуллари билан бирийдир.

Реабилитациядан ўтган шахсларнинг қайтадан экстремизмга ёлланишларини олдини олиш яна бир муҳим масала ҳисобланади.

Уларни мўътадил исломга қайтариш билан бирга, ҳалокатли “вирус”га қайта чалинишларига йўл қўймаслик ҳам муҳим. Мутаассиб (радикал) гуруҳ тарафдорлари ғайриисломий ғояларни оқлаш учун ёлғон сабабларни ўйлаб топаётганликлари туфайли “вирус” доимий равишда ўзгариб туради. Ижтимоий нуқтаи назардан, экстремистларнинг шахсларга қўллайдиган даъват усуллари нақадар пухта ўйлангани баъзида кишини лол қолдиради. Гуруҳ даъватчилари яшаш унчалик муҳим эмаслиги, ундан кўра ҳалок бўлиб, бошқаларни ҳам ўлим домига тортиш яхшироқ эканлигига одамларни қандай ишонтиришни яхши биладилар. Натижада, “даволанган” фуқароларда касаллик қайталаши мумкин. Бу вазиятда психологлар, исломшунос олимлар, имом-хатиблар томонидан доимий равишда ўтказиладиган реабилитация ишлар имунитет вазифасини бажаради. Қолаверса, имом-хатиблар

ва етук уламолар дерадикализация ишларини олиб бориш ҳамда аҳоли ўртасида мутаассиблик, радикализм тарқалишининг олдини олиш учун мудом ўз билим даражаларини ошириб боришлари лозим.

Мутахассисларнинг фикрича, “Меҳр” операцияси доирасида қайтарилган аёлларда реабилитация жараёнида ижобий ўзгаришлар яққол сезилган. Аёлларининг кийим ранглари ўзгарган. Қора ниқобларини ечишган. Уларнинг қилган ишлари учун жамият олдида ҳақиқатда пишаймонликларини англаб етиш қийин эмас. Аёлларнинг кўпчилиги динни билмаганликлари сабабли Сурияга бориб қолишган. “Нима учун у ерга бордингиз?”, деган саволга аксарияти “диний саводсизлик туфайли”, деб жавоб берганлар.

У ерда шариат ва адолат бўлади деган алдовга ишонишган. **Аслида эса ҳаммаси ёлғон бўлиб чиққан.** Улар бунга етиб борганларида тушунишган, аммо тузоққа тушганлари сабабли ортга қайтиш иложи бўлмаган.

Бу ватандошларимизнинг фожеали қисматлари қолганлар учун сабоқ бўлиши керак. Уларга қарасангиз тақдирлари дарз кетган, соғлиқлари ёмонлашган, яқинларини йўқотишган, ҳамма нарсаларидан айрилган. Тинч ҳаётда яшаб, динга эмин-эркин амал қилишлари, фарзандларига чиройли тарбия беришлари мумкин эди, аммо улар террорчиларнинг тузоғига илиндилар. Бу барчамиз учун сабоқ бўлиши лозим.

Сурияда ҳамон Ўзбекистон фуқаролари бор, уларни ҳам яқин орада ватанга қайтарилишидан умидвормиз. Ҳеч ким одам ўлдирган террорчиларни кечира олмайди, аммо уларнинг аёллари ва фарзандларида айб йўқ. Биз уларга ҳамдард бўлишимиз керак. Уларни ватанга қайтиш ва реабилитация кутмоқда. Ишонамизки, улар ҳеч қачон мутаассиб (радикал) кўринишдаги ғайриисломий ғояларини тарғиб қилмайдилар, аксинча улар ўз хатолари ҳақида бошқаларни огоҳлантирадилар.

Узоқ давом этадиган жараёндан иборат бу ишларни амалга ошириш мамлакатимиз учун осон кечаётгани йўқ. Тегишли ташкилотлар томонидан босқичма-босқич, давомли икки ва кўп томонлама музокаралар орқали эришилган қилишувлардан сўнг қутилган натижаларга эришиляпти.

“Кимдир билади, кимдир билмаслиги мумкин, лекин бу жуда машаққатли, қалтис жараён. Бунинг замирида Президентимизнинг қатъияти, дипломатик ваколатхоналар, хавфсизлик тузилмалари, тиббиёт ходимларининг фидойилиги ва юксак профессионаллиги ётибди. Қайтарилган

юртдошларимизни реабилитация қилиш, тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш, моддий қўмаклашиш бўйича ҳам катта ишлар қилинмоқда” (Asadov, Sh., 2021:1).

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг кўпчилик давлатлар жазм қила олмаётган бу каби инсонпарварликка, меҳр-саховат, оқибат, кечиримлилик, бағрикенглик каби эзгу сифатларга йўғрилган миссияси ҳали давом этади.

ХУЛОСА

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилаётган махсус операциялар доирасида шу пайтгача **5 та операция натижасида 438 нафар** ватандошимиз яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар ҳудудларидан мамлакатимизга қайтарилди. Шуни таъкидлаш лозимки, айнан “Меҳр” операцияси орқали аввал олиб келинган шахслар бундай бағрикенгликка жавобан ҳозир тинч ҳаёт кечириб, ҳалол меҳнат билан шуғулланмоқда. Болалар эса таълим олмақда. Чин етим бўлиб қолган фарзандлар Меҳрибонлик уйларида жойлаштирилган. Уларнинг янги ҳаёти, дунёқараши яхши томонга ўзгарган. Турли сабаблар билан адашган, бугун тўғри йўлга тушаётган бундай шахсларга нафақат давлат, жамоатчилик ғамхўрлик кўрсатиши, балки уларнинг атрофидаги одамлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Зеро, бир заминда туғилиб, ёнма-ён яшар эканмиз, ҳар биримиз бир-биримиз учун ҳам масъулмиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Ishmatbekov, Homidjon (2021). O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi birinchi o'rinbosarining “Mehr-5” operatsiyasi doirasida Suriyadan olib kelingan 93 nafar o'zbekistonlik fuqarolar yuzasidan OAVga bergan intervyudagi nutqidan https://uza.uz/uz/posts/mehr-5-suriyadan-93-nafar-ayol-va-bola-olib-kelindi_263012.
2. Norboeva, Tanzila (2019). O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Raisining “Mehr-1” operatsiyasi doirasida 156 nafar o'zbekistonlik Suriya poytaxti Damashqdan maxsus reys bilan O'zbekistonga olib kelinganligi to'g'risida Gazeta.uz nashriga bergan intervyudagi nutqidan <https://www.gazeta.uz/uz/2019/06/21/syria/>.
3. Mirzaboev, Farxod (2019). / Мақола // O'zbekiston o'z fuqarolarini Suriyadan qaytarish uchun ikkinchi operatsiyani tayyorlamoqda. <https://sof.uz/post/o-zbekiston-o-z-fuqarolarini-suriyadan-qaytarish-uchun-ikkinchi-operatsiyani-tayyorlamoqda>.

4. Abdullaeva, Shaxzoda (2010:157). O'spirinlarning tarbiyalanganlik darajasini diagnostika qilish va xulqidagi nuqsonlarni bartaraf etish. Monografiya. – T.: “Fan va axborot texnologiyalari”.
5. Asadov, Sherzod (2021). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot kotibining 3 maydagi matbuot anjumanda “Mehr-5” operatsiyasi doirasida Suriyadan olib kelingan 93 nafar o'zbekistonlik fuqarolar yuzasidan so'zlagan nutqidan <https://daryo.uz/k/2021/05/03/mehr-operatsiyalari-doirasida-qancha-ozbekistonlik-yaqin-sharq-va-afgonistondan-qaytarilgani-malum-qilindi/>.
6. Hasanboev, O'tkir (2013). O'zbekistonda davlat va din munosabatlari: diniy tashkilotlar, oqimlar, mafko'raviy kurashning dolzarb yo'nalishlari. Toshkent: “Toshkent islom universiteti” nashriyot matbaa birlashmasi.
7. (2022). 2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi. Toshkent.
8. Mirziyoyev, Shavkat (2017). O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. Ma'rifat.
9. Mirziyoyev, Shavkat (2016). Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent: O'zbekiston.
10. Mirziyoyev, Shavkat (2017). Buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: O'zbekiston.
11. Axmedov, Xusniddin (2021). Ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlash asoslari. Toshkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.
12. Axmedov, Timur (2020). Консолидация совместных усилий позволит нарастить опыт СНГ в дерадикализации лиц / Статья // Руководитель отдела Института стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан. <http://isrs.uz/ru/smti-ekspertlari-sharhlari/uzbekiston-prezidentining-tasabbusi-md-davlatlari-tazribasini-birlastirisa-imkon-beradi>.
13. Dushanov Rustam (2011) “Jinoyatchi shaxs psixologiyasi”. IIB Akademiya. Toshkent.
14. G'oziev Ergash, M.M.Mamatov va boshq. (2009) “Ijtimoiy-psixologik qiyofaning ilmiy-uslubiy asoslari” 1-kitob. O'zbekiston Milliy universiteti.
15. Valiev Botir (2013) “Din psixologiyasining rivojlanishida tadqiqot metodlarining ahamiyati” // Toshkent islom universitetining ilmiy-tahliliy axboroti.
16. Abdurahmonov F., Abdurahmonova Z. (2014) “Din psixologiyasi”. – Toshkent.
17. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 6 oktyabrdagi “Zo'rlik ishlatishdan jabr ko'rgan xotin-qizlarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish hamda o'z joniga qasd qilishning oldini olish borasidagi ishlarni takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi 625-sonli qarori.
18. (2019) O'zbekistonda din psixologiyasining ilmiy-nazariy va amaliy masalalari / Ilmiy to'plam. – Toshkent.
19. The international centre for the study of radicalisation and political violence (ICSR) “Radikallashuv va siyosiy zo'ravonlikni o'rganish xalqaro markazi” (ICSR)
20. (2017) ООН-Женщины. Женщины и насильственный экстремизм в странах Европы и Центральной Азии. Краткие выводы и рекомендации. Нью-Йорк: ООН-Женщины.
21. (2018) Резолюция “Предотвращение и пресечение терроризма, насильственного экстремизма и радикализации, ведущих к терроризму”. Берлинская декларация Парламентской ассамблеи ОБСЕ.
22. (2021) “Радикализация и дерадикализация: изучение опыта иностранных боевиков-террористов”. Бишкек, Кыргызстан.
23. Кайпачёв Ольга (2019:23) Опыт дерадикализация исламского движения в Египте и России.
24. (2018) European Union Terrorism Situation and Trend Report. <https://www.europol.europa.eu/activities-services/main-reports/european>.
25. Hoffman, Bruce (1985) The prevention of terrorism and the rehabilitation of terrorists: some preliminary thoughts.
26. (2018) Reintegrating ISIS Supporters in Syria: Efforts, Priorities and Challenges By Haid Haid <https://icsr.info/wp-content/uploads/2018/08/ICSR>.
27. Thompson, Robin (2011) “Radicalization and the Use of Social Media” Journal of Strategic Security 4.
28. (2015) Responding to Cyber Jihad: Towards an Effective Counter Narrative. ICCT Research Paper. The Hague: International Centre for Counter-Terrorism.
29. Авцинова Г.И., Воронина Е.Ю. (2015). Парадигмальные основы анализа политического радикализма // Актуальные проблемы современных общественно политических феноменов: теоретико-методологические и прикладные аспекты. Прага.

REFERENCES

1. Ishmatbekov, H. (April 30, 2021). From the speech of the first deputy chairman of the Office of Muslims of Uzbekistan in an interview with the media about 93 Uzbek citizens brought from Syria as part of the “Mehr-5” operation.
2. Norboeva, T. (30 May - 2019). From the speech of the Chairman of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in an interview with Gazeta.uz about the fact that 156 Uzbeks were brought to Uzbekistan from Damascus, the capital of Syria, by a special flight as part of the “Mehr-1” operation.
3. Mirzaboev, Farxod (2019). / Article // Uzbekistan is preparing the second operation to return its citizens from Syria. <https://sof.uz/post/o-zbekiston-o-z-fuqarolarini-suriyadan-to-return-to-the-second-operation-is-preparing>.
4. Abdullaeva, Shaxzoda (2010:157). Diagnosing the level of upbringing of adolescents and eliminating behavioral defects. Monograph. - T.: “Science and information technologies”.
5. Asadov, Sherzod (2021). From the speech of the press secretary of the President of the Republic of Uzbekistan at the press conference on May 3 regarding the 93 Uzbek

- citizens brought from Syria as part of the “Mehr-5” operation.
6. Hasanboev, O'tkir (2013). Relations between the state and religion in Uzbekistan: religious organizations, currents, current directions of ideological struggle. Tashkent: “Tashkent Islamic University” publishing house.
 7. (2022). Development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026. Tashkent.
 8. Mirziyoyev, Shavkat (2017). Speech of the President of the Republic of Uzbekistan at the 72-session of the United Nations General Assembly. Enlightenment.
 9. Mirziyoyev, Shavkat (2016). We will build a free and prosperous, democratic country of Uzbekistan together. Tashkent: Uzbekistan.
 10. Mirziyoyev, Shavkat (2017). We will build our great future together with our brave and noble people. Tashkent: Uzbekistan.
 11. Akhmedov, Xusniddin (2021). The basics of ensuring the stability of the social and spiritual environment. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan.
 12. Akhmedov, Timur (2020). Consolidation of joint efforts will increase the experience of the CIS in the de-radicalization of persons / Article // Head of the Department of the Institute for Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan. <http://isrs.uz/ru/smti-ekspertlari-shahrlari/initiative-of-the-president-of-uzbekistan-allows-to-share-the-experience-of-md-states>.
 13. Dushanov Rustam (2011) The Psychology of the Criminal Personality. IIB Academy. Tashkent.
 14. G'oziev Ergash, Mo'min Mamatov et al. (2009) “Scientific-methodical foundations of social-psychological image” Book 1. National University of Uzbekistan.
 15. Valiev Botir (2013) “The importance of research methods in the development of the psychology of religion” // Scientific and analytical information of Tashkent Islamic University.
 16. Abdurahmonov F., Abdurahmonova Z. (2014) The Psychology of Religion. - Tashkent.
 17. Resolution No. 625 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 6, 2021 “On additional measures to improve the rehabilitation and adaptation of women victims of violence and suicide prevention”.
 18. (2019) Scientific-theoretical and practical issues of the psychology of religion in Uzbekistan / Scientific collection. - Tashkent.
 19. Experience of de-radicalization of the Islamist movements in Egypt and Russia.
 20. (2017) OON-Jenshchiny. Female and violent extremism in Europe and Central Asia. Brief recommendations and recommendations. New York: OON-Jenshchiny.
 21. (2018) Resolution “Prevention and suppression of terrorism, violent extremism and radicalization leading to terrorism”. Berlin Declaration of the OSCE Parliamentary Assembly.
 22. (2021) “Radicalization and Deradicalization: A Study of Foreign Terrorist Fighters.” Bishkek, Kyrgyzstan.
 23. Kaipachev O.V., (2019:23) The experience of deradicalization of the Islamic movement in Egypt and Russia.
 24. (2018) European Union Terrorism Situation and Trend Report. <https://www.europol.europa.eu/activities-services/main-reports/european>.
 25. Hoffman, B. (1985) The prevention of terrorism and the rehabilitation of terrorists: some preliminary thoughts.
 26. (2018) Reintegrating ISIS Supporters in Syria: Efforts, Priorities and Challenges By Haid Haid <https://icsr.info/wp-content/uploads/2018/08/ICSR>.
 27. Thompson, Robin (2011) “Radicalization and the Use of Social Media” Journal of Strategic Security 4.
 28. (2015) Responding to Cyber Jihad: Towards an Effective Counter Narrative. ICCT Research Paper. The Hague: International Centre for Counter-Terrorism.
 29. Avtsinova G.I., Voronina E.Y. (2015). Paradigmatic framework for the analysis of political radicalism // Actual problems of modern socio-political phenomena: theoretical, methodological and applied aspects. Prague.